

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 6-sentabr, shanba № 71 (15813)

Biz kimmiz, qanday buyuk zotlarning, qanday buyuk merosning vorislarimiz?!

## Мустақиллик дарсларига англоланган ҳақиқат

### ёхуд буюк аждодларга муносиб ворислар эътирофи

Биринчи кўнғироқ. Мустақиллик дарси. Юртимизнинг барча таълим муассасаларида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ташкил этилган машғулотларда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар мазмуни, ўзига хос миллий тараққиёт йўлимизда эришаётган ютуқ ва марраларимизнинг аҳамиятини, биз барпо этаётган янги демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг афзалликларини ёш авлод шуурига таъсирчан услуб ва шаклларда етказишга алоҳида эътибор қаратилди. Мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, тинч ва осуда ҳаётнинг қадрига етиш, ёш авлодга яратиб берилаётган шароит ва имкониятларга муносиб бўлиш зарурати ўғил-қизларга жонли тарзда,

аниқ ва таъсирчан мисоллар ёрдамида очиб берилди.

Жойларда «Мустақиллик дарслари»нинг ўн беш мингга яқин эл-юрт хурматини қозongan таниқли кишилар, ёзувчи ва шоирлар, етакчи олимлар, профессор-ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, эксперт ва мутахассислар, халқаро конференциялар иштирокчилари, моҳир педагоглар иштирокида ташкил этилган машғулотлар янада қизиқарли, сермазмун ўтишини таъминлади.

Биз дунё тамаддунига бешик бўлган, жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ алломаларнинг авлодимиз ва бу билан ҳар қанча фахрлансак, гурурлансак арзийди. 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Урта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий

мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзuidaги халқаро конференция буни яна бир бор тасдиқлади.

Конференциянинг очилиш маросимида Юртбошимиз нутқ сўзлаб, истиқлол йилларида бой маънавий меросимизни асраб-авайлаш, жаҳон илм-фани, маданияти ва маърифати равнақиға улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирларимизнинг бебаҳо илмий хазинасини чуқур ўрганишнинг ёшларни ватанпарвар, ҳар жиҳатдан комил, фидойи шахслар бўлиб вояға етишидаги аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтган эди. Мазкур нутқда баён этилган фикрларни таълим муассасаларида чуқур ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини ёшлар онги ва қалбига синдириш фарзандларимизни буюк аждодларимизга муносиб бўлишга рух-

лантириши шубҳасиз. «Мустақиллик дарслари»да китоб ҳолида нашр этилиб, барча таълим масканларига етказилган ушбу нутқда билдирилган фикр-мулоҳазаларга алоҳида муурожаат қилинди.

Маърузада дунё тамаддун бешигини тебратган улуғ аждодларимизнинг ҳаёт йўли, ибратли илмий-маърифий фаолияти, буюк кашфиёт ва ихтиролари аниқ мисоллар ва далиллар асосида шарҳлаб ўтилган ёшларнинг қизиқишларини янада кучайтирди. Дарсларнинг интерфаол усулларда, баҳс-мунозара тарзида ташкил этилгани эса мавзуга оид билимларни катта қизиқиш билан ўрганишга, ўзлаштиришга имкон яратди.

Шунингдек, дарсларда Ватанимиз Мустақиллиги қандай оғир, ўта машаққатли синнов ва курашлар орқали қўлга киритилгани, ўтган тарихан

қисқа даврда халқимиз бошидан кечирган кунлар хусусида мулоҳазалар билдирилди. «Биз кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?» деган ҳаётий саволга жавоб изланди. Ва Мустақиллик, энг аввало, бизга ҳуқуқимизни бергани эътироф этилди.

Дарҳақиқат, истиқлол бизга юртимиз қандай улкан ва ноёб бойликлар макони, азиз авлиёлар, буюк алломалар, олим ва мутафаккирлар ватани эканини, биз қандай бетакрор мерос, қандай улуғ зотларнинг вориси эканимизни англади.

Мустақил тузум ўтказган адолатсизлик, зулм ва зўравонликларга қарамасдан, ўзлигини, иймон-эътиқодини, дину диёнатини йўқотмаган халқимиз бошига қандай оғир ва машаққатли синновлар тушмасин, ўз қадр-қимматини юксак сақлаб келгани ҳар биримиздан ҳаётий принципларимизни муносиб ворислик нуқтаи назаридан қатъий белгилаб олишни талаб қилади.

(Давоми 3-саҳифада)

### Давлат мукофоти соҳиблари

## Педагогнинг шарофли Вазираси

У умрининг ўттиз йилини мактабга бағишлади. Ҳозир ҳам бирор кун йўқки, ўқувчилари бағрига интилмас. Болалар билан ишлайдиган инсон ҳамisha навқирон бўлиши керак. Дунёдаги энг шарафли касбнинг оҳанрабоши ҳам шунда, ўқитувчининг улуғлиги ҳам шунда. Юқоридаги фикрни биз Бахтиёр Каримовнинг самимий нигоҳларидан ўқиб олдик. У пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 90-умумтаълим мактабида информатика фанидан дарс беради. Оддий муаллим. Бироқ ана шу оддийлик ортида ҳаётини илму маърифат билан зийнатлаган, ҳалол меҳнати туфайли эл-юртда ҳурмат топган фидойи ва жонқуяр инсон – ҳақиқий устоз сиймосини пайқаш қийин эмас.

5-бетга қаранг



## Xabarlar

# Ёш сиёсатчиларнинг маҳорати

Пойтахтимизда «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари ижтимоий лойиҳалари билан қатнашди.

«Ёш сиёсатчи» танлови республикамизда етти йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Лойиҳа ёшларнинг ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш, сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бу йилги танловда Ватанимиз равнақида ҳисса қўшишни хоҳлаган 14,5 минг нафардан зиёд йигит-қиз ўз гою ва таклифлари билан иштирок этди.

Ақсарият лойиҳалар туман ва қишлоқларнинг иқтисодий инфратузилмасини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳамда партиянинг дастурий мақсадлари билан боғлиқ. Иштирокчиларни финалга саралашда улар тақдим этган ишларни фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда амалга ошириш ва ижтимоий шерикликни самарали йўлга қўйиш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таъкидлаш керак, 2013 йилда танловда кўриб чиқилган лойиҳалар асосида 587та иш ўрни яратилган бўлса, жорий йилда бу рақам 878тага етиши кутилмоқда. Демак, лойиҳаларнинг амалий аҳамияти йилдан йилга ортиб бормоқда. Масалан, Жиззах вилояти ахборот-ресурс маркази мутахассиси Насиба Ўктамова кўзи ожизларни интернет орқали бадий адабиётлар билан таъминлаш тизимини ишлаб чиққан. Наманганлик Исроил Алихўжаевнинг воҳада паррандачиликни ривожлантириш, Тошкент тиббиёт академияси Фаргона филиали талабаси Абдулазиз Давроновнинг тунги вақтда интернет кафеларда жамоатчилик назоратини олиб боровчи «Қалқон» ёшлар гуруҳини ташкил этиш, Андижон давлат тиббиёт институти талабаси Шоҳрух Аҳмадалиевнинг маҳаллий хомашёдан болалар учун ортопедик пойабзал ишлаб чиқаришга доир таклифлари ҳам эътиборга моликдир.

«Ёш сиёсатчи» республика

танловининг финал босқичида ўн беш нафар энг сара лойиҳа муаллифи ўзаро беллашди. Улар уч кун давомида пойтахтда меҳмон бўлди. Дастлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари билан учрашди. Мулоқот чоғида ёшларга оид давлат сиёсатининг қатор йўналишлари юзасидан таклиф, фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, ёшлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолияти ва Симпозиумлар саройи билан танишди.

Танлов жараёнида иштирокчилар ўз лойиҳаларини ҳимоя қилиш билан бирга, савол-жавоб асносида ҳуқуқий ва сиёсий билимларини ҳам синовдан ўтказдилар. 1-ўринга Термиз давлат университети талабаси Сардор Азимов лойиҳа топилди. Бухоро солиқ коллежи ўқувчиси Зафаржон Музаффаровга иккинчи, Тошкент вилояти вакили Нуршод Рамазоновга учинчи ўрин насиб этди.

Ғолибларга махсус кубок ва эсдалик совғалар топширилди. Танлов эстрада хонандалари иштирокидаги концерт билан якунланди.

**Наргиза УМАРОВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

## «Камалак»нинг янги аъзолари



Урганч шаҳридаги «Ёшлар кўли» дам олиш масканида уч юз нафар мактаб ўқувчиси «Камалак» болалар ташкилотига тантанали равишда қабул қилинди.

Тадбирда Хоразм вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ва Урганч шаҳар кенгаши вакиллари қатнашди. Меҳмонлар «Камалак»чилар кўксига махсус кўкрак нишонларини тақиб, ўқиш ва келгуси фаолиятида муваффақият тилади.

— «Камалак»ка ўн ёшдан аъзо бўлиш мумкин, — дейди

Урганч шаҳридаги «Камалак» болалар ташкилоти раиси Шоира Бобожонова. — Жорий йилда сафимизга яна икки минг саккиз юз нафар янги аъзо қўшилиши кутилмоқда. Улар ҳадемай, умумтаълим мактабларида бошланадиган Ҳаракатнинг қуйи бўғинлари ҳисобот-сайлов йиғилишлари доирасида болалар ташкило-

тига аъзоликка қабул қилинади. Бундай воқеа йилда бир маротаба бўлади. Шу боис, уни байрамдек ўтказишга ҳаракат қиламиз. Бугун ҳар бир мактабдан ўн нафардан тўртинчи синф ўқувчисини «Ёшлар кўли»га таклиф этдик. Болалар аттракционларда бепул учиб, мазза қилиб дам олди. Энди уларнинг олдида жамоат ишларида фаол бўлиб, янги ва фойдали ташаббусларни амалга ошириш вазифаси турибди.

**Н. БАҲОДИРОВА**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.**

**Қуйидагилар ўз қутловларини йўллашган:**

- Франсуа Олланд** — Франция Республикаси Президенти  
**Ражаб Таййиб Эрдўгон** — Туркия Республикаси Президенти  
**Аҳмет Давутўғли** — Туркия Республикаси Бош вазири  
**Жоржо Наполитано** — Италия Республикаси Президенти  
**Бронислав Коморовски** — Польша Республикаси Президенти  
**Каролос Папулиас** — Греция Республикаси Президенти  
**Абдулла II** — Иордания Ҳошимийлар Подшоҳи  
**Илҳом Алиев** — Озарбайжон Республикаси Президенти  
**Абдул Ҳамид** — Бангладеш Халқ Республикаси Президенти  
**Шайх Ҳасина Вазед** — Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири  
**Тони Тан Кенг Ям** — Сингапур Республикаси Президенти  
**Ҳожи Ҳассанал Болкиях** — Бруней Султони  
**Абду Раббу Мансур Ҳоди** — Яман Республикаси Президенти  
**Сафохон Жалолхон Тўра Марғилоний ва бошқалар** — Саудия Арабистони Подшоҳлигида истиқомат қилувчи ўзбек ватандошлар  
**Мирослав Енча** — БМТ Бош котибининг махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича Минтақавий маркази раҳбари  
**Пумипон Адулядет Рама IX** — Таиланд Қироли  
**Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний** — Қатар Давлати Амири  
**Шайх Абдуллоҳ бин Носир бин Халифа Ол Соний** — Қатар Давлати Бош вазири, Ички ишлар вазири  
**Тейн Сейн** — Мьянма Иттифоқи Республикаси Президенти  
**Алассан Уаттара** — Кот д'Ивуар Республикаси Президенти  
**Қутловлар келиши давом этмоқда.**

Электрон кутубхоналар бойимлигида

Пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида «ZiyoNET ахборот-таълим тармоғининг дарсликлар билан бойитиб борилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ZiyoNET портали 2005 йилда Президентимизнинг махсус қарорига мувофиқ ташкил этилган.

— Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари тақдим этган манбалар (дарсликлар, масалалар тўплами, услубий қўлланмалар ва бошқалар) асосида порталдаги электрон кутубхонани бойитиш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Янги адабиётлар ўзбек, рус, инглиз, қорақалпоқ, қozoқ, тожик ва бошқа тилларда ахборот-таълим тармоғидаги «Кутубхона» бўлимига босқичма-босқич жойлаштириб борилади. Айти пайтда унда эллик беш мингдан ортиқ ресурс жамланди, — деди Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат кўмитаси раиси ўринбосари Алишер Файзуллаев.

ZiyoNET электрон кутубхонасидан дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, мустақил ишлар, тақдимотлар, луғатлар, бакалаврлик битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари, номзодлик ва докторлик илмий ишларининг авторефератлари ва бошқа материаллар ўрин олган. Порталда жамланган барча маълумотларни тартибга, ягона тизимга келтириш учун UZINFOCOM марказида умумий техник талаблар бажарилган.

Тадбирда ёшларнинг замонавий ахборот ресурсларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида жорий йилнинг май ойида ZiyoNET портали тубдан модернизация қилингани таъкидланди. Бундан ташқари, фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида ZiyoNET кутубхонасини таълим муассасаларининг электрон кутубхоналари билан интеграциялаш ҳам кўзда тутилган.

**Алибек ОМОНТУРДИЕВ,**  
**«Turkiston» мухбири**

# Мустақиллик дарсларига англанган ҳақиқат

**ёхуд буюк аجدодларга муносиб ворислар эътирофи**

(Давоми,  
бошланиши 1-саҳифада)

Мустақил давлатчилигимиз даврида аҳоли турмуш даражаси ва сифати юксалиб, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тобора чирой очаётгани, юртимизда барқарорлик, осойишталик ва ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва меҳроқибат муҳити ҳукм сураётгани, дунёқарашимиз, онгу тафаккуримиз теранлашиб, жамиятимиз аъзолари ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаоллашиб бораётгани ана шу талабга нечоғли жавоб бераётганимизни яққол намоён этмоқда. Мамлакатимиз тараққиётида мустақкам замин бўлаётган бу муҳим омил халқаро майдонда ҳам муносиб тан олинаётганидан эса, барчамиз чексиз гурурланамиз.

— Мустақиллик дарсларида кечган узоқ ва қизгин мулоқотлардан мен бир ҳақиқатни англадим, — дейди Тошкент солиқ коллежи ўқувчиси Турсунпўлат Раҳимов ҳаяжон билан. — Миллий тафаккуримизни том маънода уйғотган, ҳар биримизни оламни англаб, одамни қадрлаб яшашга ўргатган, миллий қадриятларимиз, қадим аъноларимиз, бой тарихий-маданий меросимизни қайтариб берган, халқимизга тинч-осуда ва фаровон ҳаётни тухфа этган ва энг муҳими, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллашимизни таъминлаган Истиқлол даври биз учун аслида янги миллий Ренессанснинг бошланиши экан. Яна бир ҳақиқат шундан иборатки, бизнинг буюк аجدодларимиз инсон ҳаётининг беазаги бўлган заковат, адолат, мурувват деган тушунчаларни муқаддас билиб, ўз ҳаётини ана шу ақидалар асосига қурган ва бу борада ҳам бизга, бугунги авлодларга ибрат бўлган.

— Юртимизда таълим уз-



луксиз ва давомли жараён сифатида эътироф этилгани, тарбия масаласи умуммиллий иш деб қабул қилингани бежиз эмас. Фақат таълим-тарбия воситасидагина ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўйбга чиқариш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш, истеъдодли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш мумкин, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти аудиторияларидан бир олам таассурот билан қайтган Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид. — Мустақиллик дарсларида иштирок этиб, бундан 17 йил олдин қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ижроси бугун тез ўзгараётган даврнинг мураккаб талабларига муносиб жавоб бераётгани, том маънода эртанги кунимизнинг муносиб давомчилари, буюк келажак бунёдкорлари бўлган кучли ва билимли

авлод етишиб келаётганига гувоҳ бўлдим. Улар мамлакат тараққиётини таъминлаб, биз кўзлаган мақсадларга албатта етишига ишончим ортди. Ўзига хос модель сифатида амалга оширилиб, халқаро эътирофга сазовор бўлган умуммиллий дастурларимиз чиндан ҳам таълим жараёнининг мазмунини тубдан такомиллаштирганини ҳис этиш менга янги қувват берди.

— Дунёдаги энг меҳрибон, энг бадавлат ота кўзининг оқу қораси — жондан азиз фарзандига бу ҳаётда нимани раво кўриши, унга қандай шарт-шароитларни яратиб бериши мумкин бўлса, Юртбошимиз бугун биз, ёшларга барча жабҳаларда ана шундай, ҳатто ундан ҳам зиёда имкониятларни яратиб бермоқда, — дейди талаба Ҳ.Рус-тамов. — Ўзбекистон ёшларини менинг фарзандларим дея бағрига босиб, бизга эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи, буюк келажакимизнинг ишончли ворислари дея умид билан қараётган Инсоннинг чексиз меҳри ва эътиборидан баҳраманд бўлиб ўсаётганим-

дан бахтиёрман. Ҳар гал илм-фан, маданият, санъат, спорт каби соҳаларда эришаётган натижаларимиздан беҳад мамнун бўлиб, бизга қарата: «Азиз фарзандларим, ҳеч қачон унутманг: сиз эришган марра ва ютуқларингиз халқимиз, элимиз эришган ютуқлар деб ҳисоблайман, сизнинг бугунги ва эртанги кунингиз янада ёруғ бўлиши учун бор кучимни аямайман» деб кўллаб-қувватлаб турган Президентимизга муносиб фарзанд бўлиб, маррани баланд олиб яшаш, ҳозиргача эришган натижаларимдан хотиржамликка берилмасдан, ён-атрофимиздаги тенгдошларимни, яқинларимни ҳам шунга даъват этишни ҳаётимнинг мазмуни деб биламан.

Дарҳақиқат, бугун мактаб партасидаги ўқувчи нафақат билим ва профессионал кўникмаларни эгаллапти, айна пайтда дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан ўша заҳотиёқ хабардор бўляпти, чет эллардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қиляпти.

Шу ўринда бир мулоҳаза.

**Мухбиримиз**

## Маънавият тарғиботига доир кўлланма

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» номли услубий кўлланманинг мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Қурунов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Қ.Қурунов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси проректори А.Жалилов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоли-

гида истиқлол йилларида маънавий-маърифий соҳаларни ислоҳ этиш, миллий аъно ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларни миллий ҳаёт тарзимизга ёт ва бегона бўлган зарарли мафкуравий таъсирлардан ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларини давр талаблари даражасида ташкил этиш, ёш авлодни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган, комил шахс этиб тарбиялашга қаратилган ибратли ишларда маънавият тарғиботчилари фаол иштирок этаётир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тайёрланган мазкур кўлланма миллий маънавиятимизнинг маъно-моҳияти, қадимий илдизлари, бугунги кун-

даги ривожланиш тамойиллари ҳақидаги тарғибот ишларини мунтазам олиб бориш, аҳоли кенг қатламлари, авваламбор, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, аъноларнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини ҳар томонлама кўрсатиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Тадбирда таъкидланганидек, Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан ёзувчи ва шоирлар, олимлар, таълим фидойилари, театр ва кино ижодкорлари,

Ўрта асрлар Шарқ алломалари бўлган буюк аждодларимиздан қай бирини олмайлик, улар ўзга юртларда ҳам чексиз шухрат қозонганини кўра-миз. Тили, эътиқодидан тортиб, турмуш тарзидан табиати-гача биздан мутлақо фарқ қиладиган ўзга халқлар ҳам ҳали-ҳануз улар сиймосига шунчалар эҳтиром кўрсатиб келади. Нима учун? Қай сифатлар кишини асрлар оша бутун инсоният ардоғига мушарраф этиши мумкин?

Бу саволларнинг жавоби битта: улғ мутафаккирларимиз ўз умрини илмга, фанга бағишлаган. Илм бўлганда ҳам нафақат ўзига, миллатига, балки бутун инсониятга наф келтирадиган, уни содатга элтадиган, қадр-қимматини оширадиган илмлар билан шуғулланган. Улар ўз илмига амал қилган, туйғулари тафаккурига уйғун, ғояси интилишига муштарак бўлган. Маънавий комилликни ҳар қандай моддий манфаатдан устувор билган. Бизга минг йиллар давомида чексиз гурур-ифтихор бахш этиб, бошимизни сарбаланд тутиб яшашимизга имкон бераётган бундай бебаҳо маънавий меросга муносиб бўлиш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Дунёнинг турли ҳудуд ва минтақаларида, яқин ва узоқ атрофимизда экстремизм ва терроризм, қарама-қаршилиқ, қон тўкилиши, хавф-хатарлар ортиб, умуман, вазият тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги мураккаб шароитда огоҳлик ва ҳушёрлик, ҳаётга уйғоқ нигоҳ билан қараш масаласи ҳам янада долзарб бўлиб бормоқда. Таълим муассасаларида ташкил этилган «Мустақиллик дарслари»да бундай ўта нотинч, таҳликали шароитда Ўзбекистоннинг позицияси ҳар қандай низоларни фақат сиёсий йўл, тинч воситалар билан ҳал этиш, давлатларнинг суверенитети ва чегаралари дахлсизлигини бузишга, зўравонлик ва куч ишлатишга йўл қўймасликдан иборат экани, шу борада давлатимиз раҳбарияти олиб бораётган оқилона сиёсатнинг натижалари хусусида ҳам қизгин мулоқотлар бўлди.

**Мухбиримиз**

**Д.КАРИМОВ,  
ЎЗА мухбири**

# ОЗОДЛИК ВА ЭЗГУЛИК МАЙДОНИ

**Президентимиз Ислом Каримов фармониغا биноан 1991 йил 5 сентябрда мамлакатимиз пойтахтининг бош майдонига Мустақиллик майдони номи берилган.**

Ватан, она меҳри, тинчлик-тотувлик, ободлик, миллий ғурур, хурлик ва истиқбол... Замирида инсон бахти, фаровон турмуши, порлоқ келажакки мужассам бу муқаддас тушунчаларнинг барчаси бир қутлуғ масканда — Мустақиллик майдонида ўз ифодасини топган.

Азим пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони эл-юртимиз ҳаётида чуқур маъно-мазмунга эга. Бу улғувор маскан аждодларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган, бугунги бахтиёр авлодларга насиб этган энг улғу, энг азиз неъмат бўлмиш истиқлолимиз рамзи. Ўз тақдирини ўз қўлига олиб, келажакки буюк давлат барпо этиш йўлида юсак марраларни забт этаётган азму шижоатли халқимиз қалбидаги эзгу ва беғубор орзулар ифодаси. Муаззам майдон юртдошларимиз, биринчи навбатда, навқирон авлодга мустақиллигимиз қандай буюк ва бебаҳо неъматлигини, уни кўз қорачиғидек асраш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини англаиб турадиган муқаддас даргоҳдир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида пойтахтимизда изчиллик билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари самарасида Тошкентнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Миллий меъморлик ва замонавий архитектура анъаналарини ўзида мужассам этган муаззам майдонлар, сўлим боғлар, кенг ва равон йўллар, маҳобатли кўприклар, кўркама уй-жойлар, ижтимоий объектлар шаҳар кўркига кўрк бағишлади.

Давлатимиз раҳбари ғояси, ташаббуси ва раҳнамолигида Мустақиллик майдонида улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, у яхлит меъморий ансамбль, ноёб мажмуа кўринишини олди. Бу ерда олиб борилган бунёдкорлик ишлари бош майдоннинг нафақат манзарасини, балки мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Бугун Мустақиллик майдонининг кўрку таровати ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Бу ердаги доимо яшнаб турадиган дарахлару турфа гуллар кўзни қувонтиради. Майин шабадан дарахлар, ям-яшил майсалар оҳиста тебранади. Кундузлари қуёш нурида, тунлари нурафшон чироқлар шуъласида жиллоланувчи фавворалар майдон ҳавосини мўътадил сақлайди. Бу ерда келган одам ажиб сокинликни, унинг замиридаги тинчлик ва осойишталикни янада теранроқ ҳис этади.

Бу ерда бугунги тинч ҳаёт, мусаффо осмон, тўкинлик ва фаровонликка қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришганимиз хаёлдан ўтади. Собиқ мустабид тузум давридаги тилимиз, динимизга қилинган тажовузлар, улғу аждодларимизнинг муқаддас хоклари оёқости қилингани, миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз топалгани... Ота-боболаримиз қалбига алам ва азоб солган ўша машъум хотиралар ҳар биримизни мустақиллик аталмиш азиз неъматнинг, бугунги дорилломон кунларнинг кадрига

етишга чорлайди. Истиқлолнинг буюк моҳияти, саховатли заминимизда яшайдиган ватандошларимиз ҳаётида тутган ўрни, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда, онгу тафаккуримизда оламшумул ўзгаришлар сарчашмаси бўлганини янада теран англашга ундайди.

Мустақиллик майдонига муаззам Эзгулик аркаси орқали кириб борилади. Арка тепасидаги парвозга шайланаётган турналар халқимизнинг буюк орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш йўлидаги интилишлари, қатъияти ва иродаси, оқ лайлақлар эса тинч ва осуда, фаровон ҳаётимиз тимсолидир. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари мамлакатимиз ривож учун пойдевор бўлаётган бақувват таянч асослар ифодаси. Бу остонадан ўтадиган ҳар бир инсон муқаддас даргоҳга қадам қўяётганини ҳис қилади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2005 йил 28



декабрда Мустақиллик монументи олдида Бахтиёр она сиймоси ифода этилган муаззам ҳайкал қад ростлади. Бугунги тинч, осуда ҳаётимиз, порлоқ келажакка бўлган мустаҳкам ишончимиз акс этган, фарзандини бағрига босиб, унга термилиб турган Бахтиёр она сиймосида ҳар биримиз ўз онамизни, беғубор болалигимизни, баркамол авлодимизни кўргандек бўламиз. Мазкур мажмуа эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун турадиган фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда аёл зотиға бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром ифодаси ҳамдир.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ҳар қайси оилада гўзаллик ва нафосат, меҳр-муҳаббат тимсоли, хонадонларимиз осойишталигининг посбони бўлган, бир сўз билан айтганда, оилани оилага, жамиятимизни жамиятга айлантирадиган аёл зотиға қанча тасаннолар айтсак, қанча таъзим этсак — барибир ўзимизни улар олдида доимо қарздор, деб ҳис қиламиз.



Мамлакатимиз бош майдонида қад ростлаган Бахтиёр она ҳайкали оила кўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотиға кўрсатилаётган юсак эътибор ва эҳтиромнинг ифодасидир. Чунки инсоннинг маънавияти ва дунёқарашини шакллантирадиган мезонлар айнан она бағрида, оила муҳитида қуртак ёзади. Онани ар-

га хизмат қилаётган мазкур мажмуага Юртбошимиз тақлифига биноан Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб ном берилди. Монумент ўз меъморий ечими, ғоявий-бадий мазмуни билан Ўзбекистон танлаган йўлнинг таъсирчан ифодасига, асрий қадриятларимизнинг яққол намоёнига айланди.

Умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимларда, спортчиларимизни халқаро мусобақаларга қузатиш чоғида хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументини зиёрат қилиш яхши анъанага айланган. Юртимизга ташриф буюрган хорижий давлатлар раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари ҳам давлатимизга бўлган ҳурматини ушбу монумент пойига гулчамбар қўйиш орқали ифода этади.

...Мустақиллик майдони эртаю кеч гавжум. Бахтиёрлик туйғусидан сармаст, қўлида гулдаста тугиб келаётган келин-куёвлар, шўх-шодон кичкинтойлар, қалби қайноқ навқирон йигит-қизлар, юзларидан нур ёғилиб турган отахон ва онахонларга боқиб, тинч-осуда, фаровон ҳаёт нечоғли азиз неъмат экани ҳақида мушоҳадага чўмасиз.

— Ёшлигим шу майдонга таташ Анҳор бўйларида ўтган, — дейди Шайхонтохур туманида истиқомат қилувчи Салимаҳон ая Фаффорова. — Бу худуднинг асосий қисми асфальт ва бетон билан қоплангани боис, ёзининг жазирамасида нафас олиш оғирлашарди. Истиқлол йилларида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Яшил худудлар кенгайтирилиб, каштан, қарағай, арча, эман, қайин каби ҳавони тозаловчи дарахлар, турли бута ва гуллар экилди. Тунда ранг-баранг чироқлар ёғдусида жиллоланган кўркама фавворалар атрофга жило бағишлаб турибди.

— Пойтахтимизга бундан беш йил аввал келган эдим, — дейди навоийлик фахрий педагог Баҳриддин Расулов. — Шу қисқа вақт оралиғида Тошкент бекиёс даражада ўзгарибди. Гўзал бино ва иншоотлар, қўчаю хиёбонлар пойтахт чиройига чирой қўшибди. Айниқса, Мустақиллик майдонининг кўрку тароватини кўриб, юрагим ҳаяжонга тўлди. Юртбошимиз

айтганидек, ҳеч кимдан кам эмаслигимизга, кам бўлмаслигимизга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

— Хар сафар Мустақиллик майдонини зиёрат қилганимда бу қутлуғ масканнинг кўз илғамас, сирли жиҳатларини кашф этгандек бўламан, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Шаҳноза Аширова. — Бу ерда халқимизнинг ўлмас тарихи, бугунги ва ёруғ келажакки намоён. Шу ҳақда ўйлар эканман, Ўзбекистон аталмиш муқаддас диёр фарзанди эканимдан фахрланаман.

Мустақиллик майдони том маънода пойтахтимизнинг, юртимизнинг юрагига, тинч-осойишта, фаровон ҳаётимиз кўзгусига айланган. Майдонда сайр қилиб юрганлар орасида чет элликлар ҳам кўп.

— Бир неча йилдан бери Тошкентда яшайман, — дейди покстонлик тадбиркор Муҳаммад Хорун Чоудри. — Туризм соҳасида ишлаганим учун касбим тақозосига кўра дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман. Аммо ҳеч қаерда Ўзбекистондек жаннатмонанд юртни, ўзбеклар сингари бағрикенг халқни, Тошкентдек гўзал шаҳарни кўрмаганман. Айниқса, Мустақиллик майдонидаги ҳар бир иншоот ўзига хос чуқур рамзий маънога эгаллиги билан ажралиб туради. Бу ердаги орасталик, файзу тароват ҳар доим меҳмонларни мафтун этиб келган.

Дарҳақиқат, ким билан суҳбатлашманг, ана шундай самимий, дилкаш фикрларни эшитасиз. Зеро, пойтахтимиз Тошкент маданият ва маърифатнинг қадимий бешиқларидан бири, тинчлик ва дўстлик шаҳри сифатида бутун дунёга маълум ва машҳур.

Гўзал пойтахтимиз, унинг бош майдони — Мустақиллик майдони бетакрор қиёфаси, ҳаётбахш фалсафаси билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, буюк келажак сари катта умид ва ишонч билан интилиши ҳамда унинг қандай улғувор ишларга қодир эканининг амалий ифодаси сифатида барчамизни шу буюк Ватанга садоқат билан хизмат қилишга даъват этаверади.

**Дилшод КАРИМОВ,**  
ЎЗА муҳбири

# Педагогнинг шарофли Вазифаси

(Давоми,  
бошланиши 1-саҳифада)

Аслида фидойилик бебаҳо хислат. Унинг на бирор қиймати, на ўлчови бор. Шу боис юртимизда устоз ва мураббийларнинг фидокорона меҳнати ҳамиша юксак қадрланади. Бахтиёр Каримов 1998 йилда «Шухрат» медали билан тақдирланди. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида эса унга «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» фахрий унвони берилди. Бундай юксак мукофот, авваламбор, ўз соҳибининг ҳаёт йўли қанчалик ибратли эканидан далолатдир.

Бахтиёр Каримов истиқлол даврида мамлакатимизда информатиканинг фан сифатида шаклланиши, ушбу предметнинг назарий асосларини яратиш ҳамда мактаб таълимига жорий этишга муносиб ҳисса қўшди.

— Илгари мактабларда ЭХМ (электрон ҳисоблаш машинаси) деган фан ўтилди, — дейди Бахтиёр Каримов. — Бироқ унинг мазмуни собиқ тузум мафкурасига бўйсундирилган ва амалиётдан, мамлакатимиз ҳаётидан мутлақо йироқ эди. Ўша пайтда иқтисодиёти бир томонлама ривожланган Ўзбекистон ёшлари истаган тақдирда ҳам электрон ҳисоблаш техникасидан фойдаланолмасди.

Мустақилликка эришгач, шахсан Президентимизнинг ташаббуси билан умумтаълим мактаблари ўқув дастурига мутлақо янги — информатика фани киритилди. Ҳамдўстлик давлатлари ичида биринчи бўлиб биз информатикани тизимли равишда, яъни таълимнинг барча босқичларида ўқита бошладик. Чунки ёш, мустақил давлат сифатида Ўзбекистон айнан ахборот технологиялари асри бўсағасида глобаллашган дунёга юз тутаетганини ўз вақтида англаб етган эди. Ахборот технологияларининг ҳамма соҳаларга шиддат билан кириб бориши тўхтатиб бўлмас жараёнга айлангани боис, ахборот оламидаги тараққиётдан оқилна фойдаланиш талаби ҳам ортиб борди.

Худди шу пайтда юртимиз таълим муассасаларида информатика фани жорий қилинганини мен энг оқилна йўл, деб биламан.

— Информатика фани ўқувчига, биринчи навбатда, ахборот билан тўғри муомала қилишни ўргатиши керак, — давом этади суҳбатдошимиз. Ахборот технологиялари ҳар қанча такомиллашиши мумкин. Масалан, бир неча йил аввал мобил телефондан, асосан, алоқа воситаси сифатида фой-

далсин. Бугунги ўқувчига шундай талаб.

АКТга оид билимлар ниҳоятда кўплиги туфайли охириги беш йилдан буён информатика фани 5-синфдан бошлаб ўқитилмоқда. Бунинг учун қулай шароит яратилган. Деярли барча мактаблар замонавий компьютер синфларига эга. Фақат информатика эмас, бошқа фан кабинетлари ҳам компьютер техникаси билан жиҳозланяпти.

Ўқитувчилар дарс жараё-

ши керак, деб ҳисоблайди. Айтиқса, ахборот технологиялари соҳасида.

— Ўткир Ҳошимов ўқитувчини чархпалакка ўхшатган, — дейди устоз. — У илм чашмасини авлодларга етказишга хизмат қилади. Аммо ўзингиз ҳам ҳар куни янги билим олмасангиз, замондан орқада қоласиз. Мамлакатимизда таълим сифатига устувор аҳамият қаратилмоқда. Информатика фанидан мактаб дарсликларини яратишда бе-

давлатимиз, Президентимиз диққат марказида. Бугунги кунда меҳнатимиз муносиб рағбатлантирилмоқда. Ҳар йили 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлаймиз. Ҳозирга қадар ўнлаб ўқитувчилар «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» унвонлари, бир қатор давлат мукофотлари билан тақдирланган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мамлакатга ҳар томонлама етук, рақобатбардош кадрларни айнан ўқитувчи тарбиялаб беради. Ўқитувчи мустақиллик йилларида юртимизда тамомила янгидан яратилган кадрлар тайёрлаш миллий тизимининг таянч нуқтасига айланди. Ўзбекистон таълим соҳасида инқилобий ўзгаришлар қилганини чет эллик ҳамкасбларим кўп бора эътироф этади. Юртимизда ўқитувчи касби нечоғлик эъзозланишини кўриб бизга ҳавас қилади улар.

Устознинг кўзида ёш қалқди. Меҳнат фаолиятини бошлаган дамларини эслади. Ўша пайтда таълимга, ўқитувчига муносабат тамомила бошқача бўлган. Оғир шароит туфайли мактабларда эркак ўқитувчилар камайиб кетганди. Бироқ Бахтиёр ака отасининг сўзини икки қилмади. Тошкентдаги 138-мактабда дарс бера бошлади. Ажойиб устозлар қўлига тушиб, ўғитини олгани унинг бахтидир.

— Шу Ватанда яшаб, ўқитувчи бўлганимдан бахтиёрман, — дейди қаҳрамонимиз. — Олий маълумотли муҳандис-математик бўлишимга қарамай, мактабда қолганимдан сира афсусланмайман. Баркамол авлодни тарбиялаш олижаноб иш. Шукрки, шогирдларим кўп. Аксарияти техник соҳаларни танлаб, етук мутахассис бўлиб етишди. Ҳар гал берган сабоқларимни эслаб, раҳмат айтишади. Бу ҳам мен учун катта мукофот.

**Наргиза УМАРОВА,**  
**«Turkiston» мухбири.**  
Рустам Назарматов  
олган сурат.



даланган бўлсак, ҳозир мобил интернет кенг муомалага кирди. Рақамли ва онлайн телевидение, IP телефония тушунчалари пайдо бўлди. Янгидан янги гажетлар ихтиро қилинмоқда. Аτροφимиздаги ахборот макони ҳам тобора кенгайяпти. Шунга қарамай, ахборотни яратиш ва ундан фойдаланиш принциплари ўзгаргани йўқ. Бошқа томондан, мактаб боласи ахборот истеъмолчисига айланиб қолиши керак эмас.

Компьютердан фойдаланяптими, унинг ички тузилмаси, барча қурилмалари, техник параметрлари, замонавий дастурларни ҳам яхши ўрганиб

нида мультимедиа таълим ресурслари, электрон дарсликлар, виртуал лабораториялардан фойдаланмоқда. Ҳатто мактаб кутубхоналари электрон тизимга ўтказилди. Юртимизда масофавий таълим жорий этилаётганидан ҳам хабарингиз бор. Буларнинг ҳаммаси таълим жараёнида АКТга бўлган эҳтиёж нечоғлик ортганини кўрсатади. Информатика фани асосларини билмаган ўқувчи, табиийки, замонавий таълим имкониятларидан фойдаланишда қийналади.

Бахтиёр Каримов ўзига ўта талабчан. Ўқитувчи болалардан бир қадам олдинда юри-

восита иштирок этганим учун ўқув адабиётларининг мазмуни ва сифатига талаб қанчалик юқори эканини яхши биламан.

Эътибор беринг, республикамизда мактаб таълими етти тилда олиб борилса, шунча тилда дарсликлар яратилади, чоп этилади ва керак бўлса, қайта нашр қилинади. Бу, ниҳоятда катта маблағ дегани. Келажак авлод учун қай-қурган давлатгина шундай улкан ишларни қилади.

Хизмат сафари билан хорижда бўлганман. Ўқитувчиларга юртимиздачалик кўрсатилаётган эътиборни ҳеч қаерда кўрганим йўқ. Биз ҳамиша

## Shukuh

### Ўтмиш ва бугун, ёруғ келажак ҳақига ҳаётимиз сабоқ

Бу йил Навоий вилоятидаги умумтаълим мактабларига 18047 нафар ўғил-қиз биринчи синфга қадам қўйди. Улар орасида янги ўқув йилини янги мактаб биноларида бошлаганлари ҳам кўп ва бу уларнинг хотирасида ёрқин воқеа сифатида сақланиб қолиши шубҳасиз.

Жумладан, Навбахор туманидаги 14-мактабнинг янги биноси худуд аҳли учун катта тухфа бўлди. Айниқса, ўқувчиларнинг қувонч кексиз, улар учун сентябрнинг илк ҳафтаси чинакам байрамга айланди. Дастлаб энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллик айёми, сўнг Билимлар куни ва янги мактабнинг очилиши нишонланди. Очилиш маросимида сўзга чиққанлар қисқа фурсат ичида кўркам, замонавий кўринишда бунёд этилган ушбу мактабда таълим олаётган ёш авлоднинг келгусида юрт равнақиға муносиб ҳисса қўшадиган инсонлар бўлиб камол топишига тилак билдирдилар.

Тумандаги 21-умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳам ўқув йилини янги бинода бошлади. Ушбу таълим муассасасига Соғлом бола йилида 97 нафар ўғил-қиз биринчи синфга қабул қилинди.

Барча ўқувчилар учун илк сабоқ «Мустақиллик дарси» билан бошланди. Унда истиқлол биз учун энг улуг неъмат, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли экани хусусида сўз юритилди. Дарс композицияси «Биз киммиз, кимларнинг авлодларимиз? Улуг аждодларимиздан бизга қандай улкан маънавий мерос қолган? Уларга муносиб во-

рис бўлиш учун нималар қилишимиз лозим?» деган саволлар асосида қурилди.

— «Мустақиллик дарси»да биз Ватанимиз тарихи ҳақида суҳбатлашдик, устозимиз биз билмаган кўп маълумотларни гапириб бердилар, — дейди Навбахор туманидаги 21-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Ситора Абдиева. — Биз бугун истиқлол даврида яшаяпмиз. Ўқитувчимизнинг айтишича, мана шу қувончли кунларга эришиш учун халқимиз кўп машаққатларни бошидан кечирган. Буни Президентимиз ҳам байрам табригида айтиб ўтдилар. Телевизорда берилган байрам дастурини оиламиз билан кўрдик. Юртбошимизнинг, айниқса, ўша синовли, захматли кунларни эслаб, ана шундай қийин дамларда ҳам халқимиз ўзлигини, иймон-этиқодини, дину диёнатини йўқотмади, кадр-қимматини сақлаб қолди, деган гап-

ларидан ҳаммамиз таъсирландик. Биз билан байрамни бирга томоша қилаётган етмиш яшар бувимнинг кўзлари ёшланганини кўрдим.

«Президентимиз тўғри айтдилар», — деди бувим дадамга қараб. «Отанг иккимиз далада нон учун ишлардик. Сизларни яхши кийинтириш, яхши едириш учун отанг даладан бери келмасди. Бугун-чи, Яратганга беҳисоб шукр, овозд юртимизда инсон қадрни тикланди. Ўқиган, меҳнат қилган одамни эл ҳам суяди, давлат ҳам. Бу дориламон кунларнинг баҳоси йўқ, болам...» Мен буларни «Мустақиллик дарси»да гапириб бердим.

Ўтмиш ва бугун, ёруғ келажак ҳақидаги ҳаётимиз сабоқ — Мустақиллик дарси барча мактабларда қизгин, муҳокамаларга бой тарзда ўтди.

**Отабек АСЛОНОВ,**  
Навоий вилояти

# ЙИРИК ТЎҒОНЛАР ҚУРИЛИШИГА САРФЛАНГАН ХАРАЖАТ ЎЗИНИ ОҚЛАМАЙДИ

Жак Лесли, «The New York Times», 2014 йил, 22 август

**Йирик гидроиншоотлар қурилишининг аҳоли ҳаётига таъсири масалалари бўйича етакчи мутахассис Таер Скуддер йирик тўғонлар барпо этилиши нечоғли мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақидаги фикрини ўзгартирди.**

Йирик тўғонлар қурилиши лойиҳалари бўйича доимий маслаҳатчи бўлган Скуддер ўзининг 58 йилдан кўпроқ фаолияти давомида тўғонларни тегишли равишда барпо этиш ва бошқариш аҳолининг қашшоқлик даражасини, бундай иншоотлар етказадиган ижтимоий ва экологик зарарни камайтиради, деб ишонар эди. Бироқ 84 ёшни қаршилаган мутахассиснинг яқинда матбуотда ёзишича, йирик тўғонлар нафақат сарфланган харажатларни оқламайди, балки айни пайтда барпо этилаётган кўплаб тўғонлар «ҳалокатли экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келади».

Калифорния технология институтининг ижтимоий фанлар бўйича фахрий профессори Скуддер тўғонлар барпо этилиши билан боғлиқ қарашлари йиллар давомида ўзгариб боргани ҳақида ёзади. Тўғонлар қурилиши тарафдори бўлган олим 1956 йили ўзининг бу мавзудаги дастлабки тадқиқот ишини амалга оширган. Ушанда у бугунги Замбия ва Зимбабве давлатлари ҳудудидаги Гвамбе водийсидан 57 минг кишини мажбурий кўчириш оқибатларини ўрганган. Уша пайтларда Жаҳон банки фаолияти тарихида энг катта миқдордаги кредит ҳисобидан молиялаштирилган Кариба тўғони қурилиши оқибатида Тонго аҳолисини Замбези дарёси оқими бўйлаб жойлашган унумсиз ерларга кўчиришга тўғри келган эди.

Шундан буён Скуддер ушбу одамлар ҳаётини кузатиб келади. Илгари аҳил ва мустақил ҳаёт кечирган Тонго аҳолисини кўчирилганидан сўнг очарчилик, ичкиликбозлик ва ишсизлик муаммосига дуч келди. Чорасиз қолган айрим кишилар эса кун кечириш мақсадида ноқонуний наркотиклар етиштириш ва унинг контрабандаси, браконьерлик, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбур бўлмоқда. Бундан

ташқари, ушбу ҳудуд аҳолисини электр энергияси етишмаслигидан ҳам азият чекмоқда.

Яқинда Лаосда «Нам Теун-2» тўғони лойиҳасида ҳам маслаҳатчи сифатида иштирок этган Скуддер тўғонлар қурилишидан фойда келишига бўлган ишончини мутлақо йўқотди. Скуддер ва унинг икки маслаҳатчиси тўғон лойиҳасини қурилиш ҳомийларига кўчириладиган одамларга тўғонни барпо этишдан аввал яшаш учун яхши шароит яратиб берилишини кафолатлайдиган чоралар ишлаб чиқиш талаби борлиги учун қўллаб-қувватлаган эди. Мазкур тўғон қурилиши 2010 йилда якунланган бўлса-да, юқоридаги талаблар бажарилмасдан қолиб кетди. Қолаверса, тўғонни тасарруф этувчи уч ташкилот бунинг учун жавобгарликни Лаос ҳукумати зиммасига юклашга интиломоқда.

Скуддер шу муносабат билан берган интервьюсида «Бу ҳали ҳаммаси эмас. Лаос ҳукумати кейинги 20-30 йил ичида яна 60 тўғон барпо этишни режалаштирмоқда. Бироқ айни пайтда мамлакат мазкур тўғонлар қурилиши бўйича экологик ва ижтимоий оқибатларни бартараф этишга қодир эмас», деб алоҳида қайд этади.

«Нам Теун-2» тўғони бундай йирик иншоотлар барпо этиш ўта мураккаб вазифа бўлиши билан бирга, бебаҳо табиий ресурсларга ўнглаб бўлмас даражада катта зарар етказиши тўғрисидаги анчадан буён ўйлаб юрган тахминларимни тасдиқлади», дейди у. Энди Скуддер тўғонлар қурилишининг олдини олишни ўзининг энг муҳим вазифаси деб билади. 1992 йили у дунёдаги энг сўнги катта ветландлардан бири – Ботсвана давлатидаги Окаванго дельтасига зарар етказиши мумкин бўлган тўғон қурилишининг олдини олишга ёрдам берган тадқиқотга раҳбарлик қилган эди.

Оксфорд университети олимлари томонидан амалга оширилган ва март ойида

«Energy Policy» журналида чоп этилган оламшумул тадқиқот Скуддерга ўзининг бу борадаги фикри кескин ўзгаришини жамоатчиликка етказишга туртки берган сабаблардан биридир. Атиф Ансар, Бент Флавберг, Александр Будзер ва Даниэл Ланн томонидан ўтказилган мазкур тадқиқотда 1934-2007 йилларда барпо этилган 245 йирик тўғон учун сарфланган харажатлар статистикаси ўрганиб чиқилган. Унда ҳамма вақт глобал ва салбий муаммо ҳисобланган ижтимоий ҳамда экологик оқибатлар инobatга олинмаган тақдирда ҳам «йирик тўғонлар қурилишига ҳаддан зиёд кўп маблағ сарфлаш кутилган даромад келтирмайди» деган хулосага келинган.

Тадқиқот муаллифларининг фикрича, тўғонлар қурилиши ташаббускорлари ҳаддан ортиқ ўзига ишонади, уларни барпо этиш тарафдорлари эса қуруқ ваъдаларга учиб алданиб қолмоқда ёки тоқат қилиб бўлмас даражадаги коррупцияга дуч келмоқда. Тадқиқот шуни кўрсатдики, тўғонлар қурилиши сафрланган харажатлар қиймати уларнинг смета қийматидан ўртача икки марта, инфратузилма, жумладан, йўллар, кўприк ва туннеллар барпо этишга нисбатан бир неча баробар ортиб кетган. Тўғонлар қурилишига ўртача 8,6 йил вақт керак бўлган ва бу режадаги прогноздан 44 фоиз кўпдир. Муаллифлар бу жуда узок муддат бўлиб, катта тўғонлар қурилиши «энергетика билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этишда кутилган самарани бермаётгани»ни қайд этган.

Тўғонлар қурилиши одатда, ривожланаётган давлатлардан катта миқдорда ҳолиявий ресурслар сарфлашни талаб қилади. Чунки қурилиш ташаббускорлари инфляция оқибатлари ва валютанинг қадрсизланишини эътиборга олмайди. Йирик тўғонлар қурилишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган катта миқдордаги маблағлар ташаббускор давлатлар томонидан кредит шаклида ажратилади ва пировард натижада, бу маблағлар ўзгармас валютада қайтариллиши лозимлигини талаб қилади. Бироқ тўғонлар фаолиятидан

тушадиган асосий даромад аҳолига электр энергиясини сотиш орқали маҳаллий валютада шакллантирилади. Маҳаллий валюта курси долларга нисбатан пасайганда эса ушбу кредитлар фоизи янада ошиб кетади.

Бу жараёнлар илгари эътиборга олинмаганининг асосий сабабларидан бири шундаки, тўғонларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги бўйича ўтказилган аввалги тадқиқотларда Жаҳон банки каби халқаро кредиторлар ажратган кредитини қайтариб ола оладими, деган фикрдан келиб чиққан. Аксарият ҳолларда эса улар бунга эришган.

Аммо иқтисодий самара олиш илинжида тўғон қурилиши мақсад қилган ташаббускор мамлакатлар учун бу жуда оғир кечган. Йирик тўғонлар қурилиши лойиҳаси қиймати шу даражада улканки, 1980 йиллардан бошлаб уларни барпо этиш учун керагидан ортиқ маблағ сарфланиши Туркия, Бразилия, Мексика ва собиқ Югославия каби давлатларда қарз билан боғлиқ инқирознинг асосий таркибий қисмига айланган. «Аксарият мамлакатларнинг миллий иқтисодиёти шу даражада заифки, атиги битта мега-тўғон бўйича қарз мажбуриятлари мамлакат иқтисодиётига ўнглаб бўлмас даражада салбий таъсир кўрсатиши мумкин», — дейди ушбу тадқиқотнинг етакчи иштирокчиси Флавберг.

Мазкур фикрни тасдиқлаш учун тадқиқотда айни пайтда Покистонда Ҳинд дарёсини тўсиш орқали қурилаётган йирик Даймер-Бхаша тўғони мисол қилиб келтирилган. Қурилиши 2021 йилда ниҳоясига етказиш кўзда тутилган ушбу тўғоннинг лойиҳа қиймати 12,7 миллиард долларни (2008 йилги курсда) ташкил этади. Бироқ тадқиқот унинг қурилиши 2027 йилда ҳам якунланмаслиги, сарфланадиган харажат эса 35 миллиард долларга етишини (яна 2008 йилги курсда) ва бу ўша даврдаги Покистон ялпи ички маҳсулотининг тўртдан бир қисмига тенг бўлишини кўрсатди.

Тадқиқотда келтирилган мезонлар инobatга олинмаган бўлса, дунёда барпо этилиши

режалаштирилаётган кўплаб мега-тўғонлар иқтисодий жиҳатдан ҳеч қандай самара бермайди. Бу, шубҳасиз, Конго дарёсини тўсиш учун мўлжалланган саккизта тўғондан иборат ва дастлабки икки лойиҳасини амалга ошириш учун катта миқдорда маблағ сарфланган йирик Инга комплекси, шунингдек, Амазонка тропик ўрмонлари ўрнида катталиги бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллайдиган гидроэлектр станцияси – Бразилияда қурилиши режалаштирилаётган қиймати 14 миллиард долларлик Белу Монте тўғони лойиҳасига ҳам тааллуқлидир.

Тадқиқот муаллифлари мега-тўғонларга ўхшаш йирик иншоотларни қуриш ўрнига шамол, кўёш энергияси ва мини-ГЭС каби «муқобил энергия манбалари»ни барпо этишни тавсия қилади. «Биз ҳали-ҳамон барча ишлар алоҳида лойиҳалар асосида қўлда бажарилган 1950 йилларда тўхтаб қолганмиз, — дейди тадқиқотчи Ансар. — Ифодали қилиб айтганда, бугун бизга стандартлаштириш, контейнерга жойлаб ташиш осон бўлган ихчам конструкциялар керак».

Шу ўринда тўғонлар қуриш бўйича ҳозирги халқаро тенденцияларга зид бундай тўғонлар Ҳитой, Бразилия ва Ҳиндистон компаниялари томонидан ҳали ҳам кўплаб барпо этилаётгани, Жаҳон банки эса бир йил аввал мега-тўғонларни молиялаштиришга доир умрини ўтаб бўлган эски стратегия яна қайта тикланиши мумкинлигини билдиргани кишини ҳайрон қолдиради. Ушбу йирик лойиҳалар ташқи томондангина жозибали бўлиб туюлади, холос. «Тўғонлар — кутилган натижага камданкам ҳолларда эришишга ёрдам берадиган нотўғри ёндашув, саноат даврининг асоратлари» эканини англаб етишининг вақти келмоқда.

**Жак Лесли яқинда ўтказилган «Чўқур жойлашган сув: тўғонлар қурилиши билан боғлиқ давомли кураш, кўчириш дастурига киритилган одамлар ва атроф-муҳит муҳофазаси» тадқиқотининг муаллифидир.**

## Shunday markaz bor

# Ёшлар интиладиган марказ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошлоқ тумани кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази»да компьютер саводхонлиги, хунармандчилик, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва ижодкор ёшлар тўғарақлари мавжуд. Уларда 400 нафарга яқин тенгдошимиз хунар сирларини ўрганаёпти.

— Ёшларнинг қизиқшини кўриб, бизнинг ҳам ўз ишимизга меҳримиз ошади, — дейди биринчи

тиббий ёрдам кўрсатиш тўғараги мураббийи Шоҳсанам Офаринава. — Масалан, бизнинг тўғарақда

айни пайтда 191 нафар ёш билим олмақда. Уларга ҳам назария, ҳам амалиётдан сабоқ берамиз.

Ҳаракатнинг Тошлоқ тумани кенгаши раиси Саидмалик Исоқовнинг айтишича, тез орада марказга янги техник ускуналар олиб келинади.

— Ёшларнинг ўқишдан бўш вақтларини янада мазмунли ўтказишлари учун ёшлар ижтимоий

хизматлари фаолиятини янада жонлантириш талаб этилади, — деди бу ҳақда С.Исоқов.

**СУРАТДА:** Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тўғараги мураббийи Шоҳсанам Офаринава беморнинг қон босимини аниқлаш ва ўрганиш бўйича машғулот ўтказаяпти.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири



## Mustaqillik farzandlari



# Маррани баланд олганлар

**шараф ва эҳтиромга муносиб кўрилди**

Яхши ниятли халқимиз кимнингдир ютуғини кўрса қувонади. Агар ўша омади кулган ўзининг элдоши ё жигари бўлса, унда бу қувонч икки ҳисса деяверинг. Керак бўлса, уйига чорлаб, оёғининг остига қўй юмалатади.

Ярим кечаси телефон жиринглади. Бундай пайтда кўнғироқ қилиш учун ё ўта зарур иш бўлиш керак ё шунчаки «адашиб» тушиш... Йўқ, мен адашибман:

— Менга қара, — деди элликни уриб қўйган бўлса ҳам, ёшликдаги чапанилиги, дўлворлиги қолмаган тоғам, — спортчиларимиз Хитойдан чимпион бўлиб кепти, нега менга айтмайсан?

— Ҳа, Хитойнинг Нанкин деган шаҳрида ўсмирлар олимпиадаси бўлди, ундан ўзбекистонликлар ўнта медаль билан қайтди, телевизорда кўрмадингизми? — ўзимни «оқлаш» учун «контратака»га ўтдим.

— Кўрдим, — сал «юмшаган» бўлди тоғам. — Сен спортда нима гап-сўз бўлса, менга айтиб турардинг-ку, жиян. Телевизор билан радио бошқа, сенинг менга телефон қилиб айтганинг бошқа-да! Ҳай, майли, мабодо ўша чимпион болаларни кўриб қолсанг, салом айт, хўпма?..

Телефонни қўйдим-у, кўз олдимга келтирдим: ғалаба фақат медални кўксига таққан спортчиники эмас, бутун эл-юртники деганлари шу-да! Ана иши бошидан ошиб-тошиб ётган оддий қишлоқ одамлари ҳам ёш спортчиларимизнинг зафаридан қандай қувонмоқда?

Ҳа, Нанкин олимпиадаси ўзбек спорти салоҳиятини яна бир карра кўрсатиб берди.

Юртимиз спортчилари бундан тўрт йил муқаддам Сингапурда ўтказилган биринчи ўсмирлар олимпиадасида ҳам яхши иштирок этган, учта кумуш ва олти бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа

ҳисобидан 59-ўринни эгаллаган эди. Шу йилнинг 16 — 28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи ўсмирлар олимпиадаси эса, юртимизда спорт қанчалик тез ривожланаётганини яна бир марта кўрсатиб берди: жаҳоннинг 204 мамлакат вакиллари орасида ўзбекистон фарзандлари 27-ўринни эгаллади. Бу гал қўлга киритилган медаллар қиймати ҳам бошқача: тўртта олтин, учта кумуш ва учта бронза! Биринчи олимпиада билан таққослаганда ўзбек спортчилари 32 ўрин юқорилади!

Хўш, бундай юксалишга ўз-ўзидан эришилдимми? Қўлга киритилган медаллар шунчаки омад махсулими? Йўқ, бугун кўзларни қувонтириб, дилга ғурур ва ифтихор бахш этаётган музаффарлик спортчилар ва мураббийларнинг меҳнатлари маҳсулигина эмас. Ғалабалар замирида, авваламбор, спортнинг бутун мамлакат миқёсида умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётгани, бунинг учун яратилган имкониятлар, спорт тараққиётига қўйилган мустаҳкам пойдевор ётибди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан соғлом ва баркамол авлодни дунёга келтириб, тарбиялаш, пировардида, юртнинг эртанги кунига таянчу суянч бўладиган комил инсонларни камол топтириш давлат сиёсатининг устувор вазифаси этиб белгиланди. Бу борада зарур ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ижроси таъминланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил



24 октябрда имзоланган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янада жадаллаштирди. Мазкур Фармонга мувофиқ, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма маблағлари ҳисобидан шу пайтга қадар бир ярим мингга яқин болалар спорти объекти қурилди, мавжудлари реконструкция қилинди. Уларнинг 84 фоиздан ортиги қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилган.

Юртимизда спорт «оммавийликдан-профессионалликка» тамойили асосида ривожланиб бормоқда. Бундан атиги ўн-ўн беш йиллар аввал ҳам бирор халқаро мусобақада Ўзбекистон вакили шунчаки иштирок этиши мамлакат миқёсида катта воқеа сифатида баҳоланарди. Ҳозир эса исталган нуфузли мусобақада Ўзбекистон спортчиларига нафақат иштирокчи, балки ғолиб-ликка асосий даъвогарлардан деб қарашмоқда. Негаки, бугун мамлакатимизда профессионал спортчилар жамиятининг энг катта қатламларидан бирига айланди. Буни икки милли-

он нафар болаларимиз спорт билан мунтазам шуғулланаётганидан ҳам билса бўлади. Эътиборлиси, уларнинг 900 мингга яқини қизлардир.

Мана шу омилларни ҳисобга оладиган бўлсак, Нанкин олимпиадасидаги муваффақиятларнинг асло тасодиф эмаслигини яна бир марта англаймиз.

## ОТАНГИЗГА РАҲМАТ, ҒОЛИБЛАР!

Иккинчи ўсмирлар олимпиадасида Ватан байроғини баланд кўтарган ёш спортчиларни жойларда шарафлаш маросимлари ўтказилди. Термиз шаҳрида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда иштирок этган давлат ва жамоат арбоблари, мухлислар Нанкин олимпиадасида 66 килограммгача бўлган дзюдочилар ўртасида учинчи, жамоавий беллашувларда биринчи ўринни эгаллаган Сухроб Турсуновни олқишладилар.

— Сухробжон билан ҳар куни кўнғироқлашиб турдик, у чемпион бўлган кунни ҳам гаплашгандик, — дейди Сухроб Турсуновнинг бобоси Турум Мўминов. — Гиламга тушишдан олдин унга, болам, сенинг ортингда Президен-

тимиз, она юртинг, биз турибмиз, дадил бўл, деб тайинладим. Юзимизни ерга қаратмади. У билан Хитойга борган мураббийларимиз, жамоадорларимиз ҳам хурсандмиз, биргалликда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилдиклар, оталарига раҳмат!

Денов туманидаги «Афросиёб-2» маҳалласида униб-ўсган Сухроб полвон Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ришод Собиров, Артур Таймазов каби акалари изидан бориб, муваффақиятга эришди.

— Ҳар гал гиламга чиққанимда Юртбошимизнинг биз, ёшларга билдираётган улкан ишончлари менга далда бўлади, — дейди Сухроб Турсунов. — Насиб бўлса, бундан кейин ҳам ана шу ишончга муносиб бўлиш учун бор куч ва ғайратимни сафарбар қиламан.

Нанкин Олимпиадасида фарғоналик Бектемир Мелиқўзиев катта ғалабага

ро олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Сулаймон Латипов. — Мустақиллик байрами тантаналарини ҳаяжон билан кузатдим. Унда давлатимиз раҳбари биз ҳақимиздаям алоҳида тўхталиб ўтганларини, нафақат мен ёки Нанкинда зафар кўчган дўстларим, балки ўзбекистонлик барча тенгдошларимга бўлган меҳр-этиборларидан деб биламан.

Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида туғилиб-ўсган Илҳом Баҳромов Олимпиаданинг юнон-рум кураши мусобақаларида қатнашиб, олтин медалга сазовор бўлди. Чемпионни вилоят марказида муносиб тақдирладилар. Унинг отаси Исмоил Мустафоевнинг айтишича, Илҳом болалигидан Оқдарё туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббий Урол Зиёев қўл остида кураш билан шуғулланган. Уғлим катта-кичик мусобақаларда тоблани, умид қиламанки, бу унинг энг катта ютуқларининг деб-часи бўлади, дейди Исмоил ака.

— Президентимизнинг биз, ёшларга қарата айтган: «Маррани ҳамиша баланд олинг, болаларим!» деган гаплари қаерга бормай, қулоғим остида жаранглаб туради, — дейди Илҳом Баҳромов. — Келгусида жаҳон чемпионатлари ва Олимпиада ўйинларида ҳам зафар кучиш ниятидаман. Бунинг учун менда барча имкониятлар бор, ўзим таҳсил олаётган Республика олимпия захиралари коллежида спорт билан шуғулланишимиз учун барча шароитлар яратилган.

Наманганлик Адҳамжон Эргашев иккинчи ўсмирлар олимпиадасида оғир атлетика бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Бронза медаль билан қайтган Адҳам полвонни наманганликлар катта хурсандчилик билан кутиб олдилар. Уни тақдирлаш маросимида Наманган вилояти ва Янгиқўрғон тумани ҳокимликлари вакиллари, жамоатчилик, спортчининг мураббийлари, оила аъзолари, дўстлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Нанкиндан юзимиз ёруғ бўлиб қайтганимиздан, совриндорлар сафидан эканимдан хурсандман, — дейди Адҳамжон. — Ютуқларим, юртимизники, устозларимники. Ғалабамни мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллигига бағишлайман.

Иккинчи ўсмирлар олимпиадасида ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар, бундай қараганда, ҳали энди спортнинг, кенгрок миқёсда олсак, катта ҳаёт оstonасида тургандек. Бироқ уларнинг ўй-фикрлари, нигоҳларига эътибор берсангиз, ҳеч бири ҳақида бундай ўйламайсиз. Улар нафақат жисмонан, балки маънан баркамол ёшлардир. Уларга боқиб, юртнинг эртаси мана шундай йигит-қизлар билан бугунгидан-да ёруғ бўлишига ишонасиз.

**Элмурод НИШОНОВ,**  
«Turkiston» мухбири

## Зулфияхоним қизлари билан учрашув

Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги муносабати билан Фарғона вилояти хотин-қизлар кўмитаси, Шарқий ҳарбий округ кўмондонлиги ҳамда «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ҳамкорлигида Зулфия номидаги Давлат мукофотининг фарғоналик совриндорлари билан учрашув ташкил этилди.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун ўтказилган учрашувда мазкур нуфузли Давлат мукофотига турли йилларда сазовор бўлган Нафосат Ҳасанова, Дилёра Исмоилова, Нозима Холиқова, Шахноза Давлатова, Дилнавоз Қўлдошева сингари иқтидорли ва истеъдодли қизлар ўзларининг истиқлол фарзанди сифатида эришадиган ютуқ ва

муваффақиятлари, келгусидаги режалари билан ўртоқлашди.

Сўхбат давомида бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари она Ватанни мадҳ этувчи шеърлар ўқиди.

— Бир-биридан зукко ўғил-қизларни кўриб, шеърларини тинглаб мамлакатимиз эртаси учун муносиб хизмат қиладиган авлод вояга етганига амин бўлдим, — дейди

Дилнавоз Қўлдошева. — Болаларнинг кишини ўйга толдирадиган, чуқур мулоҳазага чорлайдиган қизикарли саволлари учрашувимизнинг самимий ва дўстона кайфиятда ўтишини таъминлади.

Учрашув иштирокчилари ўзларини қизиқтирган долзарб саволлар билан ёшларга мурожаат қилиб, тегишли жавоб олди. Зулфияхоним издошлари билан ўтказилган учрашувга кўмондонликнинг ҳарбий оркестри томонидан тайёрланган маданий дастур ўзгача шуқуҳ ва файз бағишлади.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири

### Muzeylar haftaligi

## Тарих кўзгуси

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида миллий қадриятларимизни тиклаш, бой тарихимизни чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда халқимизнинг қадимий тарихи, маданияти ва маънавияти ҳақида гувоҳлик берувчи музейлар муҳим аҳамиятга эга.



Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида ўн та давлат, жамоатчилик ва уй-музейлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда графика, ҳайкалтарошлик, тасвирий ва амалий санъат намуналари, турли археологик топилмалар, этнография буюмлари, қадимий суратлар, тарихий ҳужжатлар сингари нодир ашёлар жой олган.

Музейлар фаолиятини яхшилаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 12 январда қабул қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ҳамда «Музейлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республи-

каси қонуни муҳим дастуриламал бўлаётир.

Тўқсон мингга яқин фондга эга И.Савицкий номидаги қорақалпоқ давлат санъат музейи нодир экспонатларга бойлиги жиҳатидан дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Музейнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Махсус лойиҳа асосида 2013 йилнинг 15 мартдан бошлаб музейнинг иккита янги биноси барпо этилмоқда. Умумий лойиҳа қиймати 41 миллиард 212 миллион сўмни ташкил этадиган қурилиш ишлари Нукусдаги «Уй-жой қурилиш» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилмоқда.

— Уч қаватдан иборат мазкур биноларни 2016 йил охирида фойдаланишга топшириш режалаштирилган, — дейди «Уй-жой қурилиш» МЧЖ раҳбари Дониёр Жумамуратов. — Аммо, биз иш суръатини ошириб, музейни 2015 йилда Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширишни мўлжалламоқдамиз. Шу кунларда кўргазмалар павильони, экспонатларни сақлаш заллари, реставрация устaxonаларида ҳавони мўтадил сақлаш учун вентиляция тизими, электр тармоқлари ва ёнғинга қарши кураш тизимлари монтаж қилинмоқда. Ташқи муҳандислик-коммуникация ишлари ҳам жадал олиб борилаётир. Иш

суръатини ошириш ва сифатини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳри ва Фарғона водийсидан махсус пудратчи ташкилотлар жалб этилган.

— Янги объект ишга тушса, имкониятларимиз янада кенгаяди, — дейди музей директори Мариника Бобоназарова. — Қўшимча равишда 4 минг 814 квадрат метр кўргазма майдонига, 5 минг 760 квадрат метр фонд захираси биносига эга бўламиз. Томошабинларга қулай шароитлар яратиш мақсадида кўргазмалар павильони жойлашган бинода кутубхона, кинозал ва ошхона қурилмоқда.

**А.ОРТИҚБОВ,**  
ЎЗА мухбири

### Mutaxassis ogoh etadi

## Ҳушёрлик жой танламайди

Содир бўлган ёнғинларнинг сабаблари ўрганилганда, аксарият ҳолларда фуқароларнинг бепарволиги, хусусан, болаларни қаровсиз қолдирганликлари хунук оқибатларга олиб келгани аниқланди.

Бола — болада, унинг учун қўлига тушган нарса ўйинчоққа айланади. Афсуски, гоҳида билиб, баъзан билмасдан гугуртни қўлига олган болалар ёнғинга сабаб-

чи бўлиб қолмоқда. Оқибатда биринчи навбатда уларнинг ўзлари жабрланаётгани ачинарлидир.

Бу каби ҳолатлардан яқин инсонларимиз ёки молу жонимизга зарар етишини истамаймиз. Азиз ҳамюртлар! Шундай экан, келинг, ҳамиша ва ҳар ерда ҳушёр бўлайлик. Биз ўз уйимиз, маҳалламиз, иш жойимизни асраш билан бутун юртимизни асраган бўламиз.

**Шавкат УМАРОВ,**  
20-ҲЁХ қатта инспектори, сержант

### Madaniyat

Пойтахтимизда Корея меъморчилиги ва ландшафт дизайни анъаналари асосида Сеул боғи барпо этилди. Унинг тантанали очилиш маросими Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди.

## Тошкентга Сеул боғи

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Минҳожиддин Ҳожиматов, Сеул шаҳри вице мэри Им Жонг Сок, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ли Ук Хён ва бошқалар пойтахтимизда ташкил этилган корейс маданиятини акс эттирувчи мазкур боғ халқларимиз ҳамжихатлиги ва иноқлигининг бардавомлиги ҳамда икки давлат ўртасидаги стратегик ҳамкорлик уфқи кенгаётганининг яна бир тимсоли эканини таъкидлади.

Ушбу боғ давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2010 йили Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи чоғида икки мамлакат пойтахтлари маъмуриятлари ўртасида 2 июлда имзоланган Тошкентда Сеул боғини ташкил этиш тўғрисидаги битимга асосан яратилган.

Боғдаги нафис ва мафтункор гулу дарахтлар, ранго-ранг айвон ва шийпончалар, сунъий ҳовуз ва ҳайкалчалар дам олувчиларга корейс халқининг маданияти ва тарихи билан яқиндан танишиш имконини беради. Юртимиздаги етти ёшгача бўлган барча болалар Сеул боғига бепул кириб, маданий дам олиши ва роҳатланиши мумкин.

— Янги боғ бизда катта таассурот қолдирди, — дейди юртдошимиз Завқиддин Насимов. — Сабаби, кинофильмлар орқалигина томоша қилган тарихий деворлар, ёғочдан бино бўлган корейсча айвонлар ва бошқа манзараларни айна шу ерда кўриб, бир олам завқ олаёلمиз. Шунингдек, халқларимизнинг кўпгина жиҳатлари ўхшаш ва яқинлигига амин бўлдик.

Ўзбек ва корейс санъатининг вакиллари иштирокидаги дилтортар концерт дастури йиғилганларга хуш кайфият улашди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ**

### ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Ўзбекистоннинг қайси вилоятларида автомобил-созлик заводлари бор?

Жавобингизни 9 сентябрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

### Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

**Мирёқуб.**

Тошкент шаҳри Юнусобод туманидан Азиза Ҳожиқурбонова тўғри жавоб йўллади.

### YONDAFTARCHANGIZGA

Дунёга келдингми, кучинг етганича яхшилиқ қил.

**Ҳисом Котиб**